



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 14 август, сешанба № 125 (1139)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Тез суръатлар билан бунёд этилаётган ҳашаматли Ҳамза театрининг янги биноси пойтахтимиз кўрқига-кўрк қўшмоқда. Қўли гул

бунёдкорлар ўзларига топширилган ишни аъло даражада бажаришмоқда.

чи С.Жуматоев; курилишда иш қизгин.

Х.СОЛИХОВ олган суратлар.

Суратларда: мохир пайванд-

ИШБИЛАРМОНЛИКДАН ОЛИНГАН ФОЙДА

Урганч туманидаги С.Қаландаров номи ширкат ҳўжалигида жойлашган «Ғойбу-сут» мини заводи йил бошидан буён тўрт миллион сўмдан ошқ фойда олди. Шуниси диққатга сазоворки, корхона ўтган йилнинг охирида ишга туширилган эди. Мини завод фаолиятдан тушаётган даромад Хоразм вилоятидаги йирик кўп тармоқли қишлоқ ҳўжалик ширкатининг даромадлари билан тенглашади.

Ғойбу қишлоғида ишлаб чиқариш замонавий технологиялар асосида ташкил этилиши мамлакатимизда бозор ислохотларининг чуқурлашганлигини, қишлоқда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш истиқболларидан дарак беради. Исроилдан келтирилган технологик ускуналар бир сменада 2 тоннагача сутни

қайта ишлаш имконини беради. Корхонада ярим йил ичида 28 миллион сўмликдан ошқ турли хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Самарали иш юритиш натижасида корхона ишга тушириш учун сарфланган маблағнинг учдан бир қисми инвесторларга мuddатидан олдин қайтарилди.

«Ғойбу-сут» заводидида ишлаб чиқарилаётган қаймоқ, творог, сариёғ, бир неча навли пишлок, йогурт каби сут маҳсулотлари қисқа вақт ичида ўзининг доимий истеъмолчиларига эга бўлди. Қишлоқ аҳолиси эса ортиқча сутни сотиш учун вилоят марказига олиб бориш ташвишидан халос бўлди. Корхона аҳолидан фақат сифатли сутни бозор нархларидан сотиб олади.

(ЎзА).

МАЪНАВИЯТ - МИЛЛАТ ЖАМОЛИ

Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб, жойларда «Тафаккуримизни ўзгартирган ўн йил» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирларни ўтказмоқда. Яқинда шундай тадбирларда қатнашган тарғиботчилар гуруҳи вилоятлардан қайтди.

Улар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлиб, истиқлол ва баркамол авлод тарбияси, миллий адабиёт ва ижодиёт, мустақиллик: давлат ва дин муносабатларининг туб моҳияти, миллий мафруранинг янги дунёқарашни шакллантиришдаги назарий, услубий аҳамиятига доир маърузалар ўқиди.

(ЎзА).

ҚУРУВЧИЛАР СОВФАСИ

Самарқандда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида бир қатор йирик ишчи оловлар фойдаланишга топширилди. Улар орасида Гидромелиорация коллежи биноси ҳам бор.

Мазкур таълим даргоҳи илгарилари қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида мутахассислар тайёрлар эди. Билим юрти бу йил коллежга айлантирилди ва замонавий талабларга мос янги ўқув биноси курилиши бошлаб юборилди. Бу ерда ҳозиргача 653 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Барча юмушларни «Бунёдкор» қурилиш ишлаб чиқариш компаниясига қарашли 4-механизацияланган қурилиш корхонаси бажармоқда. Қисқа мuddат ичида 1 минг 200 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона, 300 ўринли ошхона қад ростлади.

(ЎзА).

ЯНГИҚИШЛОҚ КОЛЛЕЖЛАРИ

яти қурувчилари бу ерда сўнгги пардозлаш ишларини амалга оширмоқда. Синфхоналар компьютер ҳамда бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминланяпти. Ҳозиргача билим даргоҳида 308,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари

бажарилди. Шунингдек, Навбахор туманидаги «Истиқлол», Хатирчи туманидаги А.Ёрлақабов номидаги ширкат ҳўжаликларидаги қасб-хўнар коллежлари ҳам байрам кунигача ўқувчилар ихтиёрига топширилади. Йил охирига қадар эса жами 3 минг 500 ўқувчи мўлжалланган коллеж ва бизнес мактаблари ишга туширилади.

(ЎзА).

Истиқлол берган имкон

Ҳиссдорлик жамиятига яхши мутахассис Абдуқодир Таниев раҳбарликка тайинланди. Ушанда фабрикада хомаш қам, дастгоҳларнинг кўпи ишдан чиққан, эҳтиёт қисмлар йўқ ҳисоби, меҳнат муҳофазаси эътиборсиз ахволда эди. Янги раҳбар касабқўм фаоллари билан маслаҳатлашиб, биринчи навбатда иш ҳақини ошириш, қишлоқ ишлаш ва дам олишлари учун шароит, имтиёزلар яратиш масаласини жамоат шартномасига киритди. Вақт ўтиши билан ишда силжиш бошланди.

илғорларни тақдирлашисиз ўтказилмади. Айниқса, ишлаётган пенсионерларга катта эътибор берилиб, сийланмоқда. Кам таъминланган ва қаровчиси йўқларнинг ҳолидан вақти-вақти билан хабар олиниб, моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилмоқда.

Корхона илғорларидан жой олган Жамила Тешабоева, Зайнабхон Ходиева, Замира Икромова, Доно Мамирова каби тўқувчи ва Зиёда Асророва, Мадина Холмирова, Саодат Тожибоева, Дилноза Аҳмедова сингари йигирувчи қизлар яратиб берилган имтиёزلардан руҳланган ҳолда кунлик режаларини бир ярим кунга ҳиссаданга бажаришмоқда. Натижада жорий йилнинг ярмида ўтган йилга нисбатан товар маҳсулотлари 140-148, меҳнат унумдорлиги 124, халқ истеъмоли моллари эса 195,4 фоизга ўсди.

Бу йилги ниятлар ҳам улуг. Чет эл технологиясини олиб келиш мақсадида жамият раиси яқинда Италияга бориб, Интер ЭКСПО Марсоли фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона тузишга келиши келди. Яқин вақт ичида чет эл технологиясини келтирилгач, корхона гуруҳираб кетиши аниқ.

Яна қувончли томони йил охирига бориб, ишчи ўринлари 200 нафар қишига ортади. Қўшма корхона кадрларини тайёрлашга Италия томони 76 минг АҚШ доллари ажратди. Ёш ишчилар чет элга бориб, эркаклар кўйлақларини тикиш сирларини ўрганиб қайтадилар.

Изланганга толе ёр, деганларидек, корхонамиз яқин ойлари ичида ўзининг маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқишга тайёргарлик кўрмоқда.

Мамасодиқ ЭРАЛИЕВ, Марҳамат тумани ип-йигирув, тўқув ҳиссдорлик жамияти касабқўшма кўмитаси раиси.

«Оналар ва болалар йили»га бағишлаб турли тадбирлар амалга ошириляёттир. Уларнинг ҳар бири куй-қўшиқсиз,

Жамиятимиз ўтган йилни 17 миллион сўм соф фойда билан якунлаган бўлса, жорий йил олти ойнинг ўзига 27 миллион сўм соф фойда билан чиқди. Йил охирига бориб бу кўрсаткичи 60 миллион сўмга етказиш мўлжалланаяпти. Ҳиссдорлар ҳар 100 сўмига 23 сўмдан дивидент олмоқдалар. Соф фойда ортган сайин дивидент миқдори ҳам ошиб бораёпти. Йил охирига бориб у 70-75 сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

«Оналар ва болалар йили»га бағишлаб турли тадбирлар амалга ошириляёттир. Уларнинг ҳар бири куй-қўшиқсиз,

Шунингдек, жамоада но-

кўйди. Икки ходим ҳам аввалги иш жойларига қайта тикланди.

Ҳар икки жамоада қатъий тартиб ўрнатолмаган марказий шифохона бош шифокори А.Турсунов ва марказий поликлиника мудири Н.Тошмуродовлар фаолиятига тегишли баҳо берилди ҳамда агар бундан буён юқоридагидек камчиликлар такрорланса уларнинг ишда қолиш-қолмаслик масаласи кўриладиган бўлди.

Шунингдек, жамоада но-

Нукусдаги маданият ва истироҳат боғида қурувчилар куни муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди.

КУВОНЧ УЛАШГАН ОНЛАР

Мустақиллик йилларида улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган қурувчилар ўзларининг қасб байрамини ва истиқлолнинг 10 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан қутиб олмақда. «Катекс», «Элтекс» каби йирик саноат корхоналари биноси, замонавий меъморлик услубида қад ростлаётган академик лицейлар, қасб-хўнар коллежлари, супермаркетлари, кўприклар, кўп қаватли турар-жой иморатлари уларнинг фидойи меҳнатлари эвазига бунёд бўлмоқда.

Байрам тадбирида «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қурувчи» ўнвони ва Фахрий ёрликлар билан тақдирланган бир гуруҳ қурувчиларга мукофот топширилди.

(ЎзА).

OLAMDA

САЁХАТ ДАВОМ ЭТАПТИ

Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ирнинг Россия бўйлаб саёҳати давом этмоқда. Омскдан яхши таассуротлар, шу-



нингдек «Трансмаш» заводининг янги трактори билан қайтган Ким Чен Ир куни кеча Новосибирскга келди. Бу ерда у Ядро физикаси институти, Олимлар уйи, Чкалов номидаги авиация бирлашмаси ва Алоқа йўллари университетиди бўлди. Гарчи режалаштирилмаган бўлса-да, Новосибирск метросини то-

моша қилди. Кеча эса Ким Чен Ирнинг зирхланган поездеи Красноярск шаҳрида кўним топди.

ИСРОИЛ МУЗОКАРА ЎТКАЗИШ НИЯТИДА


Исроил Ташқи ишлар вазири Шимон Перес фаластинликлар билан музокаралар ўтказиш учун Бош вазири Ариел Шароннинг розилигини олди. Бирок, музокаралар давомида Фаластин етакчиси Ёсир Арофат билан учрашиши қатъий манъа этиди. Исроил фаластинлик террорчиларнинг кейинги кунлардаги хуружи натижасида ушбу қадамни қўйишга мажбур бўлди. Ун беш киши қурбон бўлган Қуддусдаги террорктдан сўнг, куни-кеча Хайфа шаҳридаги ресторани олдидидаги портлаш натижасида йигирма киши ҳаётдан кўз юмди.

Переснинг таъкидлашича, Фаластин билан музо-

караларни бошламаслик Исроилнинг нуфузига путур етказиши мумкин.

ДЕНГИЗЧИЛАР ХОТИРЛАНДИ

«Курск» атом сувости кемаси халокатининг бир йиллиги муносабати билан Видеоводаги гарнизонга халок бўлган денгизчиларнинг қариндошлари йиғилди. Хотира тадбирида Россия Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош қўмондониди Владимир Куроедов, Шимолий флот ва Мурманск вилояти раҳбарлари ишти-



рок этишди. Муқаддас Николай ибодатхонасида халок бўлганлар руҳи учун ибодат қилинди.

Шу куни «Курск» ден-

гизчилари номи муҳр этилган ёдгорлик лавҳасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Атом сувости кемасини Баренц денгизи тубидан қичиб олиш ишлари эса давом этмоқда.

Интернет Фирибгарлари

Хитой полицияси мамлакатда фаолият олиб борган йирик интернет фирибгарларини қўлга олди. Улар шахсий компьютерлари бор фуқароларни алдаш йўли билан кунига 120 минг доллардан зиёд даромад қилишган. Ва шу кунгача 28,25 миллион доллардан ошқ маблағ топишган. Ҳозирча ҳибсга олинганлар сукут сақлашмоқда. Улар ишлаб топган пуллар сақланаётган жой эса ҳануз аниқланганича йўқ.

(Интернет хабарларидан).

ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРЛАРИ

Хитой полицияси мамлакатда фаолият олиб борган йирик интернет фирибгарларини қўлга олди. Улар шахсий компьютерлари бор фуқароларни алдаш йўли билан кунига 120 минг доллардан зиёд даромад қилишган. Ва шу кунгача 28,25 миллион доллардан ошқ маблағ топишган. Ҳозирча ҳибсга олинганлар сукут сақлашмоқда. Улар ишлаб топган пуллар сақланаётган жой эса ҳануз аниқланганича йўқ.

(Интернет хабарларидан).

ГАЗЕТА АДОЛАТНИ ТИКЛАДИ

Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

Газетамизнинг шу йил 7 июлдаги «Носоглом мухит шифо масканида меҳнат қонунларининг бузилишига сабаб бўлмоқда» сарлавҳали мақолада Пахтачи тумани марказий шифохонаси ходимлари меҳнат тўғрисида қонунларга зид равишда ўз иш жойларидан бошқа лавозимга ўтказилариши оқибатида жамоада соғлом мухитга путур етаетгани, шунингдек, бундай вазият марказий поликлиника фаолиятига ҳам маълум даражада соя ташлашаётгани хусусида фикр юритилган эди.

Тахририятимизга келган жавоб хатида газета аралашуви йўли қўйилган камчиликларни бартараф этишда муҳим омил бўлгани таъмингани ҳолда қуйидагилар маълум қилинди: — Ҳақиқатан ҳам мақолада танқид қилинган ташкилотларда носоглом вазият юзага келган эди. Шу муносабат билан туман ҳокимлигида мазкур масала атрофида ўрганиб чиқилди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Тўғри, М.Ражабова туғруқ

мажмуида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган даврилари камчиликларга ҳам йўл қўйган. Бирок, бундан умуман бу соҳада ишлаши мумкин эмас, деган хулоса келиб чиқмаслиғи керак. Бинобарин, у тажрибали, ўз соҳасини яхши биладиган шифокор. Марказий шифохона бош ҳақими А.Турсунов уни поликлиникага ишга қўйиш учун буйруқ чиқарган-у, лекин мазкур шифо маскани мудири билан маслаҳатлашмаган.

Ўз навбатида поликлиника мудири Н.Тошмуродов хотин-қизлар маслаҳатхонасида илгари ишлаган З.Эргашевани туғруқ таълиидан ишга чиққанида унинг ўрнига М.Ражабовани жойлаштиришга уринган. Ваҳоланки, бундай қилиш қонунга зид ҳаракат деб баҳоланади. З.Эргашева эса ярим ставкада болалар гинекологи ва ярим ставкада туғруқ бўлимида навбатчи вазифарига қўйилган. Туман ҳокимлиги бундай камчиликка чек

қўйди. Икки ходим ҳам аввалги иш жойларига қайта тикланди. Ҳар икки жамоада қатъий тартиб ўрнатолмаган марказий шифохона бош шифокори А.Турсунов ва марказий поликлиника мудири Н.Тошмуродовлар фаолиятига тегишли баҳо берилди ҳамда агар бундан буён юқоридагидек камчиликлар такрорланса уларнинг ишда қолиш-қолмаслик масаласи кўриладиган бўлди.

Шунингдек, жамоада но-

Пахтачи тумани ҳокими.

КЎШМА КОРХОНА — БАЙРАМГА СОВБА

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган йилда Учкўприк туманида ҳам аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни қишлоқ инфратузилмаси дастурларининг бажарилиши мисолида ҳам кўриш мумкин.

Агар 1991 йилда тумандаги мавжуд 130та қишлоқдан фақат 43 таси газлаштирилган ёки 3200 хонадон табиий газдан фойдаланган бўлса, айни кунда 121 та қишлоқ ёки 30 мингдан зиёд хонадонда «зангори олов» порляпти.

Қишлоқлар қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди. Кўплаб маданий-маиший, турар-жай бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жум-

ладан, 5000 ўринли марказий ўйингоҳ, 23-, 2-, 18-мактабларнинг янги бинолари, Чорбоқ, Янгиқишлоқ, Собиржон, Гулқишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. «Собиржон-Мулқобод» йўли қурилди. Утган йили эса туман марказида «Хотира хиббони» мажмуаси тўлиқ битказилди. 30 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган бу мажмуа туман аҳли томонидан хашар йўли билан тикланди. Туман марказида замонавий марказий кутубхона биноси битай деб қолди.

Шунингдек, туманда янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида қўшма корхоналар очиш бўйича ҳам анчагина ишлар қилинапти. Жумладан, Ўзбек-Турк «Сундус»

сутни қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Утган йилда ўз фаолиятини бошлаган «ЎзХАН КОЛТД» компанияси Жаңубий Кореянинг ЭК-Тгапко компанияси билан шартнома асосида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаряпти. Йил охиригача унда иш ўринлари сони 150 тага етказилади. Кўқонбой қишлоғида эса пахта чикиндисини қайта ишлайдиган «Фаррофтексавдо ЛТД» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишга туширилиши арафасида.

А. ТҶУХТАСИНОВ.

Бошлангич ташкилот кўп ишга қодир

Корақалпоғистондаги энг йирик корхоналардан бири — «Элтекс» 1994 йили ноябр ойида ишга туширилган эди. Утган етти йилда у жаҳонга юз тутди. Бу ерда янги касб сирларини чуқур ўрганган минг нафарга яқин йигит-киз пахта тозалаш, ип йиғириш, мато бўйаш, тўқувчилик, тикувчилик цехларида хориждан келтирилган дастоҳларни мохирлик билан бошқармоқда. Улар томонидан жинс матосидан тикилган бежирим кийим-кечаклар ҳамдўстлик давлатлари, хорижлик буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

Мустақиллиқнинг 10 йиллиги арафасида мазкур корхонада ишлар қандай бормоқда?

Маълумки, хориж сармоясини жалб этмасдан, чет эллик ҳамкасблар билан яқиндан ҳамкорлик қилмасдан жаҳон андозалари талабига мос иш юритиш мушкул. Шунинг эътиборига олиб, «Элтекс» базасида Бангладешнинг «Мершантекс» компанияси ҳамда австриялик тадбиркор Стефан Пиркер жаноблари билан ҳамкорликда масъулият чекланган «Юнивер» Ўзбекистон-Бангладеш-Австрия қўшма корхонасини ташкил этдик. Чет эллик шериклар 280 минг АҚШ доллари миқдорида эҳтиёт қисмлар келтиришди. Бундан ташқари, Германиядан 50 донна тикув машинаси сотиб олинди, улар ҳам унумли ишлатилмоқда. Шунингдек, яқин кунларда яна 420 та тикув машинаси ва бир донна компьютерлаштирилган бичиш ускунаси келтириб ўрнатилади. Натижада қўшимча 2000 иш ўрни барпо этилади.

Яна битта қўшма корхона — Лихтенштейн давлатининг «Раанани холдинг» компанияси билан масъулият чекланган жами-

ят шаклидаги «Медикал коттон интернешнл» ЛТД иш бошлаш арафасида. Мазкур корхона йилга 150 тонна тиббий момиги ишлаб чиқаради. Ҳозир зарур дастоҳлар, асбоб-ускуналар

келтирилиб монтаж ишлари бошлаб юборилди. Тайёр маҳсулот 100 граммдан қадоқлиниб, савдога чиқарилади.

Ишчи-хизматчиларга етарли яшаш ва ишлаш шароитлари яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш — ютуқлар гарови. Буни яхши тушунган корхона маъмурияти ва касба уюшмаси жамоанинг ҳар бир аъзосига ғамхўрлик кўрсатиш, яхши иш шароитлари яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Ҳозирги кунда ҳар сменада иш ва кулай ошхоналарда бир марта бепул иссиқ овқат берилади. Зарарли жойларда ишлов-

чилар мунтазам равишда сут, қатиқ билан таъминланмоқда. Харажатлар корхона ҳисобидан қопланаётди.

Шунингдек, саломатлик маркази, сартарошхона, савдо шохбчалари, спорт мажмуи ҳам меҳнаткашлар хизматида. Ҳар бир ишловчи махсус кийим-кечак билан таъминланган. Жамоа аъзоларининг ишга бориб келиши учун автобуслар ажратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаш-

ПУХТА ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА

Қизирик туманида ҳам умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Айни кунларда барча хўжалиқларда, шу жумладан 50 га яқин маҳалла ободона кенг кўламли ободоналаштириш ишлари олиб борилаёти. Байрам муносабати билан 31 август ва 1 сентябр кунлари бозорларда полиз ва сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар 50 фоиз арзон нархда сотилади. Туман марказидаги «Мустақиллик» боғида икки қисмдан иборат тантанали чиқишларга тайёргарлик ҳам ниҳоятга етди. Унда ўтган ўн йил давомида рўй берган тарихий воқеалар театрлаштирилган ҳолда ўз аксини топади. Байрам шодиёнасида кўп сонли спортчилар ҳамда ёшларнинг чиқишлари уюштирилади.

Шу куни туман ҳокимлиги томонидан 400 та кам таъминланган оила, 100 нафардан зиёд уйиштираш ишлари совғалари топширилади.

Р.ДАВЛАТОВ.

ФАХРИЙЛАР МАМНУН

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари — ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва турли тоифадаги нафақаўрлар давлатимиз томонидан меҳр оғушига олинган. Буни биргина Янгиқариқ тумани мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Ҳозирги кунда мазкур хуудда 8957 нафар пенсия ва нафақа олувчилар бор. Шулардан 1362 нафари фуқаро касаллик бўйича ногиронлик нафақасини олса, ижтимоий нафақа олувчилар 1150 нафар, боқувчисини йўқотганлар эса 508 нафар кишини ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида уларга 373 миллион сўм тарқатилди.

Туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Бахтиёр Абдуллаев биз билан суҳбатда Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бў жойда изчиллик билан амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берди. Ҳозир бўлимада 16 нафар ижтимоий хизмат кўрсатиш шўба аъзолари бўлиб, улар ўзгалар мададига муҳтож кишиларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатишади. Утган 7 ойда ана шу мақсадга 1 миллион

сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ўғилжон Қаландарова, Муҳаббат Тангрибергенова ва Марям Абдуллаеваларнинг меҳрибонлиги ва ширинсўзликдан қариялар мамнун бўлишмоқда.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 11 нафар кишига ногиронлик аравачаси топширилди. Хомийлар томонидан 45 та ёлғиз оилага 250 минг, ижтимоий кам таъминланган 28 нафар аёлга 100 минг сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Шунингдек, яқка-ёлғизлардан 99 нафар кишига 1 миллион 820 минг сўмлик маҳсулот тарқатилди.

Ногиронлар, ёлғиз кексалар ва пенсионерлар доимо шифокорлар назоратида. Улар ўзлари учун зарур бўлган кўлтиқтаёк, эшитиш мосламалари, протез сингари анжомлар билан муттасил таъминлаб келинмоқда.

Шу билан бирга туман ижтимоий таъминот бўлими жамоаси алоқа, коммунал хизмат кўрсатиш сингари кўплаб ташкилот ва бирлашмалар билан шартномалар тузиб, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаётди.

Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.

Бунёдкорлик ишлари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Яқинда Эллиққалъа туманида яна бир муқташам бино — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университетининг қошидаги «Бўстон» академик лицейи барпо этилди. У 600 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бу ерда таълим жараёни тўрт йўналишда олиб борилади.

Суратда: лицейнинг олд кўриниши.

О.МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

Меҳнат аҳли самарали фаолият юритиши учун кулай шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак. Қаярда маданий-маиший тадбирлар намунаси амалга оширилиб, моддий манфаатдорлик таъминланса, ўша ерда кўнглидагидек натижаларга эришилади. Бу муҳим масала меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касба уюшмаларининг диққат марказида бўлмоқда.

Ҳадемай пахта йиғим-терими оммавий равишда бошланади. Барча ерда бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам масъулиятли мавсумга ихлос билан киришилмоқда. Хўжалиқлардаги кўпгина дала шийпонлари вақтида таъмирланди. Улар деҳқоннинг чинакам оромгоҳига, маданий-маиший ва тарғибот ишлари марказига айланиши учун қўшимча тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Шаҳрисабз, Китоб, Яққабғ, Касби каби туманларда ибратли ишларга қўл урилди. Биз Косон туманидаги Беруний номли ширкат хўжалигининг Т.Содиқова, «Косон» хўжалигининг Т.Йўлдошев раҳбарлик қилаётган бригадалари ҳамда «Тўлга» деҳқон-фермер хўжалиги шийпониди бўлганимизда далада ишлаётганларга яратилган шарт-шароитларни кўриб қувондик.

кучи етишмайди. Шу боис, ҳар йили четдан хашарчи жалб этилади. Шундай бўлса-да, хўжалик раҳбарлари негадир шийпонларга эътиборни сусайтириб юборишган. М.Собиров, Х.Нашванов, Б.Нуриддинов, З.Эсилгапов етакчилигидаги ижа-

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ ЙИГИМ-ТЕРИМ МАВСУМИГА ШАЙМИ?

Бахтга қарши, барча ерда ишлар яхши кетяпти, деб бўлмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тумандаги 168 та шийпоннинг кўпчилиги ҳанузгача мавсумга тахт этилмаган. Жумладан, Қ.Рўзибоев, Д.Аминов, И.Шодиев бошлиқ ижарачилар дам оладиган шийпонлар мавсумга шай этилмаган. Мутаваддиқлар таъмир ишларини бугун-эрта бошлаш миз, деб таъкидлашади. Ахир, вақт тигиз, бугун-эрта ҳосил йиғим-терими бошлаб юборилади. Шунча вақтдан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган деҳқон оромгоҳларини санокли кунлар ичида намунали гўшага айлантириш мумкинми, ахир? «Майдаёбу» жамоа-ширкат хўжалигида ишчи

ловчиларга кулай шарт-шароитлар яратиш масаласида сустраслик қилинмоқда. Айниқса, 21-, 24-хўжалиқларда, Рўзимат Ғоипов номли фермерлар уюшмаси дала шийпонларида бўлган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Қаранг, ҳал қилувчи палла яқинлашган бўлса-да, мазкур тумандаги мавжуд 118 та дала шийпонининг қарийб ярми мавсумга шай эмас. Уларда керакли жиҳозлар етишмайди. Қатор оромгоҳларда сув сақланадиган Ҳовузлар тозаланмаган, электр хавфсизлиги тадбирлари кўрилмаган. Боз устига, хирмон жойлар тозаланмаган. Бундай камчиликлар Баҳористон, Муборак ва Нишон туманлари хўжалиқларида ҳам учрайди. Таажжубланарлиси шуки, қайд этилган хўжалиқларнинг раҳбар мутахассислари ўтган йиллардаги сабоқларидан тегишли хулоса чиқармасдан, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш масалаларига ҳануз панжа орасидан қараб келмоқдалар. Далада ишловчиларга кулай шарт-шароит яратилмас экан, кузда улар яна ер қизиб қолишлари табиий ҳол.

ЁЛҚИН.

ОРОЛБҲИЛИК АЁЛЛАР МИННАТДОРЧИЛИГИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон» Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан Қашқадарё санаторий-профилакторийларида ҳам Аму дёёри фуқаролари ўз соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

Белгиланган дастурга мувофиқ 250 нафар оролбўйилик аёллар «Қашқадарё соҳили» ва «Мироқи» санаторийларида дам оладилар. Шу кунга қадар 150 нафардан зиёд аёл даволанди. Уларнинг мазмуни дам олиб, даволанишлари учун ҳамма кулайликлар яратиб берилган. Даволашувчиларга физиотерапия муолажалари билан бирга сўлим тоғ ҳавоси ўзгача ором бағишламоқда.

Биз Қўнғирот туманида жойлашган бу шифо масканида фаолият кўрсатаётган қўли енгил шифокорлардан Баҳодир Исмоилов, Абдуваҳид Ушмавқов, ҳамширалардан Гулчехра Мамазиёева, Лобар Орзиевалар дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.



Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси диққатига

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига бирлашган касба уюшмаларининг Уставида «Касба уюшмаларининг бош вазифаси касба уюшмалари аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборатдир», дейилган.

Дарҳақиқат, энг оммавий жамоат ташкилоти ишловчилар манфаатини ҳимоя қилишда аксарият ўринларда қатъиятлик, изчиллик кўрсатмоқда. Айниқса, машаққатли ишларда кечки-кишга йўл қўйилса, бонг урмоқда, масалани мутасадди ташкилотлар олдига қўндалган қўймоқда. Бахтга қарши, оз бўлса-да, фаолиятда камчиликларга ҳам дуч келинмоқдаки, улар кишини ўйлашга, мушоада юритишга ундайди. Қаранг, меҳнаткашлар фаол ҳимоячисининг ўзи ёрдамга муҳтож, у бир ярим йиллик маошини ололмади, сарсон бўлаётган бўлса, буни қандай тушуниш ва изохлаш мумкин?

Фикримизни ёлғиз билан баён этсак. Жалолқудук тумани кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касба уюшма қўмитаси раиси О.Мирохунов 1999 йилдан 2000 йилнинг 1

июлигача бўлган даврдаги маошини оломай, ханузгача хуноб бўлиб юрибди. Далил гапни унинг ўзидан эшитайлик:

— Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси раёсати қарорига асосан бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда хайрли ишларга қўл урилмоқда. Кўпга нафи тегадиган, ишловчи манфаатини кўзлайдиган янгиликлардан барчамиз хурсанд эдик. Хусусан, мен ҳам энди маошини ололмади, вилотдан олишим керак эди. Афсуски, хурсандчилигимиз узоққа қўзилмади.

Яширмай, очигини айтганда, мутасадди раҳбарларнинг бир ёқлама иши юритиши, ўзибўларчилик ҳолатида бир ярим йиллик иш ҳақини ололмади юрибман. Ҳақимни талаб қилиб вилот тармоқ касба уюшма қўмитаси раиси А.Хол-

матовга мурожаат этсам, у молия бўлими мудирига уч-ранг, деди. Молия бўлими мудири эса раисга қайтарди. Хуллас, бор онанга, бор отанга бўлаётганлиги учун нима қилишимни билмай, бошим қотди. Тегишли ташкилотларга қатнайиб, асаблар чарчиди. Йилги бахонасида Тошкентта борганимда, Марказий

қўмита раиси Ч.Шодиевга ҳам учрашдим. Лекин ҳамон натижа йўқ. Куним чоп-чоп билан ўтяпти...

Касбақўм раиси Мирохуновнинг гапига қараганда, у етакчилик қилаётган қўмита негадир эътибордан четда бўлиб келмоқда. 2000 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида биронта ҳам сиҳатгоҳга йўлланима ажратилмаганлиги ҳақли равишда кўпчиликини ажаблантирмоқда. Ахир, 2000 нафар аъзо-

қонуний иш ҳақини нима сабабдан ололмаётгани хусусида вилот тармоқ касба уюшма қўмитаси раиси А.Холматов билан фикрлашмоқчи эдик. Лекин қанчалик уринмайлик, у билан рубарў бўлолмадик. Айтишларича, туманларга чиқиб, кенгаш йиғилишига «маълумот» тайёрлаётган экан. Ўша пайтда шу идорада молия бўлими мудири бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда вилот давлат муас-

сасалари ва жамоат ташкилотлари касба уюшма қўмитасида фаолият юритаётган М.Жалолов билан фикрлашдик.

— Нима ҳам дердим, таъкидлайди у. — Ҳақиқатан ҳам О.Мирохунов бир ярим йиллик иш ҳақини ололмади йўқ. Буйруққа биноан ойлик маош тайинланган.

— Иш ҳақи тайинланган

сўнг, тўлов ведомостида фамилиясини киритмаганман...

М.Жалоловнинг бу сўзлари бизга қаттиқ таъсир қилди. Ахир, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қиладиган ташкилот раҳбарини ана шундай адолатсизликка бора, қонунбузарликка йўл қўйса, бошқадан нима кутиш мумкин?

Ҳукуматимизнинг иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳақдорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарориди ходимга бажарган иш учун ойлигини ўз вақтида тўлаш шарт эканлиги аниқ-равшан кўрсатилганини мутаваддиқлар ҳаммадан яхши билишади-ку. Бас, шундай экан, нега жаноб А.Холматов унга амал қилмаётди?

Жалолқудук туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси Х.Урмоновнинг таъкидлашича, туман тармоқ касбақўми раисининг уч нафар фарзанди бўлиб, умр йўлдоши ногирон экан.

Демак, рўзгор тебратувчи ёлғиз ўзи. Узаро фикрлашув, далиллар таҳлили шуни кўрсатдики, жабрануви О.Мирохуновнинг ўзи ҳам лозим даражада қатъиятлик кўрсата олмаган. Унда ҳуқуқий саводхонлик, билим ва тажриба етишмаганлиги яққол равшан бўлди. Бўлмасам, у иш ҳақини одил суд орқали аллақачон ундириши мумкин эди.

Бу ўринда бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик лозим: касба уюшма қўмитаси раисининг ўзи ойлик маошини шунча вақтдан буён ололмаётгани, Идорама-идора юриб, сарсон бўлаётгани касбақўм оёбўрига путур етказди, бозор шароитида катта савобли ишларни амалга ошираётган энг оммавий жамоат ташкилотига нисбатан ишонсизлик уйғотилади. Бунга республика кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касба уюшма Марказий қўмитасидаги мутасаддилар нима дейишаркин?

Ортик САЙДОВ, «Ишонч» мухбири.

КАСАБАҚЎМ РАИСИ НИМА САБАБДАН БИР ЯРИМ ЙИЛЛИК ИШ ҲАҚИНИ ОЛОЛМАЙ САРСОН?

қўмита раиси Ч.Шодиевга ҳам учрашдим. Лекин ҳамон натижа йўқ. Куним чоп-чоп билан ўтяпти...

Касбақўм раиси Мирохуновнинг гапига қараганда, у етакчилик қилаётган қўмита негадир эътибордан четда бўлиб келмоқда. 2000 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида биронта ҳам сиҳатгоҳга йўлланима ажратилмаганлиги ҳақли равишда кўпчиликини ажаблантирмоқда. Ахир, 2000 нафар аъзо-

қонуний иш ҳақини нима сабабдан ололмаётгани хусусида вилот тармоқ касба уюшма қўмитаси раиси А.Холматов билан фикрлашмоқчи эдик. Лекин қанчалик уринмайлик, у билан рубарў бўлолмадик. Айтишларича, туманларга чиқиб, кенгаш йиғилишига «маълумот» тайёрлаётган экан. Ўша пайтда шу идорада молия бўлими мудири бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда вилот давлат муас-

сасалари ва жамоат ташкилотлари касба уюшма қўмитасида фаолият юритаётган М.Жалолов билан фикрлашдик.

— Нима ҳам дердим, таъкидлайди у. — Ҳақиқатан ҳам О.Мирохунов бир ярим йиллик иш ҳақини ололмади йўқ. Буйруққа биноан ойлик маош тайинланган.

— Иш ҳақи тайинланган

сўнг, тўлов ведомостида фамилиясини киритмаганман...

М.Жалоловнинг бу сўзлари бизга қаттиқ таъсир қилди. Ахир, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қиладиган ташкилот раҳбарини ана шундай адолатсизликка бора, қонунбузарликка йўл қўйса, бошқадан нима кутиш мумкин?

Ҳукуматимизнинг иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳақдорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарориди ходимга бажарган иш учун ойлигини ўз вақтида тўлаш шарт эканлиги аниқ-равшан кўрсатилганини мутаваддиқлар ҳаммадан яхши билишади-ку. Бас, шундай экан, нега жаноб А.Холматов унга амал қилмаётди?

Жалолқудук туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси Х.Урмоновнинг таъкидлашича, туман тармоқ касбақўми раисининг уч нафар фарзанди бўлиб, умр йўлдоши ногирон экан.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТАБАНК»

Ўз акциядорлари ва мижозларини, фидокор халқимизни Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги байрами билан муборакбод этиб, жисмоний шахслар учун тақдим этувчи номинал қиймати 1000, 5000 ва 10000 сўм бўлган юқори даромадли омонат депозит сертификатларини таклиф этади.

Ушбу омонат депозит сертификатлари бўйича 3 ойлик муддатга йиллик 40 фоиз ҳамда 6 ойлик муддатга йиллик 42 фоиз ҳисобидан ҳар ойда даромад тўланади.


Шунингдек, ҳукумат қарори билан омонат депозит сертификатлардан оладиган даромадингиз солиқдан озод этилганини маълум қиламиз

Сиз ушбу омонат депозит сертификатларини эндиликда «Пахтабанк»нинг исталган бўлиmidан сотиб олишингиз ҳамда маблагингизни ишончи ва юқори даромадли манбага айлантиришингиз мумкин.

Тўлиқ маълумот олиш учун «Пахтабанк»нинг исталган филиалига ҳамда қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин: 78-10-94, 173-25-51.


«Пахтабанк» — фаровонлигингиз калитидир!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ




Халқ соломатлиги йўлида сизқидилдан меҳнат қилоётган тиббиёт ходимлари ва барча фуқароларимизни яқинлашиб келоётган Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!

Барча шароитлар муҳайё этилган оромбахш шифо масканларимиз сизга доимо мунтазир!



ТОШКЕНТ КАШФИЁТЛАР ШАҲРИ

«Эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўрта-сидаги жаҳон чемпионати — қувончли ва масъулиятли ҳодиса. Ва мен Ўзбекистон ушбу чемпионатни ўтказишга ўз номзодини таклиф қилганидан хурсандман. Мамлакатимиз қисқа вақт ичида спортга энг яхши муносабатда бўлган давлатлар қаторига қўшилди...». Бу сўзлар FILA Президенти Милан Эрцеганнинг пойтахтимизда ўтказилган IX жаҳон чемпионати иштирокчилари ва меҳмонларига йўллаган табригидан олинди.



Келахки курмоқ учун ўтмишга назар ташла, деган гап бор халқимизда. Бизнинг жаҳон чемпионатини ўтказишга даъвогарлик қилишимиз ҳам бежизга эмас. Зеро, Ўзбекистон чинакам курашичи полвонлар юрти. Бу юртда афсонага айланган Алпомиш Гўрўгли, Пахлавон Маҳмуд ва уларнинг бутунги кундаги ворислари бўлмиш Ақобури шериорак Баҳром, Қодиру Эрали полвон, шердек абжир Маҳдумқулилар камол топган ва топмоқда. Бир сўз билан айтганда кураш бизнинг

қонимизда бор.

Хаммасини бир сўз билан ифодалаганда бу куннинг шарофати мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликдандир. Йўқса дунёнинг қарийб 50 мамлакатидан тўрт юзга яқин умидли полвонлар юртимизга ташриф буюрармиди?!

Дарвоқе, Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги танта-наларига муносиб тухфа бўлган ушбу чемпионат на-фақат иштирокчилар, бал-

ки кураш ишқибозларининг ҳам юрагида бир умрга сақланиб қоладиган бўлди. Минский машҳур полвон, уч карра олимпиада, етти карра жаҳон чемпиони Александр Медведнинг ташриф-фи ҳам унинг нуфузидан далолат беради.

Тошкент том маънода кашфиётлар шаҳрига айланди... Бу иштибоҳ бежизга янграмаётир. Сабаби, пойтахтимизнинг мух-ташам «Ўзқурғазмасавдо» мажмуида бўлиб ўтган эр-

кин ва юнон-рум кураши бўйича IX жаҳон чемпионати баҳсларида янги номлар ҳам баралла янгради. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз спортчилари ушбу беллашуларда муваффақиятли иштирок этдилар. Юнон-рум кураши бўйича 76 кг вазн тоифасида гиламга тушган Жаҳонгир Турдиев бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди, Эркин кураш бўйича иқти-

дорли полвонларимиздан Дилшод Мансуров ҳамда Дилшод Курбоновларнинг ҳаракатлари барчада илиқ таассурот қолдирди. Яна шунинг мамнуният билан эътироф этиш мумкинки, юртимизда кўплаб халқаро спорт мусобақалари зўр муваффақият билан ўтказиб келинмоқда. Айниқса, теннис, кураш, каратэ мусобақаларининг нуфузи кундан кунга ортиб бормоқда. Анъанавий ра-



вишда ўтказиб келинаётган эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» учун мусобақаси «Гран-при» туркумидаги энг яхши мусобақаларнинг бешлигига киритилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов FILAнинг олий мукофоти — «Олтин маржон»га лойиқ деб топилишида ҳам олам-олам маъно бор. Таъбир жоиз бўлса бу, яқиндагина мустақиллик қўлга киритган мамлакатда эришилган зафарлар эътирофи ҳамдир.

9 август кун катта тантаналар билан бошланган мусобақалар, айтиш мумкинки шу туркумда ўтказилган бошқа беллашулардан фарқли ўлароқ кескин ва мурасасиз тарзда ўтди, мухлисларга олам-олам қувонч бахш этди.

Х.АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбири



Ибратли тадбир

«Боги эрам» маданияти ва истироҳат боғида Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Онлавий дасталар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўқув қуроллари бепул

Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад меҳнатқашларни, айниқса ёшларни санъатга янада кўпроқ ошно этиш, миллий санъатимизни кенг тарғиб қилиш, шунингдек, оилавий сулоалар сафини кенгайтиришдан иборатдир, - дейди Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Саид Олимхўжаев. — Кўрик-танлов дастлаб қорхона ва ташкилотлар, ўқув юртларида ўтказилиб, энг иқтидорлилар шаҳар босқичига чиқдилар.

Республикамиз Мустақиллигини мадҳ этувчи ўзига хос услубдаги дастур тайёрлаб, намойиш этган Т.Содиқов номли шаҳар маданият уйининг «Жералла» украин оилавий фольклор-этнографик дастаси энг юқори балл тўплаб, танлов ғолиби бўлди.

Шаҳар маданият уйи хузуридаги «Нодирабегим» оилавий фольклор-этнографик дастаси эса улардан бор-йўғи бир балл ортада қолиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Асосан кичкинтойлардан иборат Шамсуддинновлар оилавий дастаси хаваскорлари «Келинсалом» сахнаси учун учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Касаба уюшма спорти

ФОЛИБ ЖАМОА АЪЗОЛАРИГА ГИЛАМ



Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг кўчма кубоги учун ўтказилаётган мини футбол мусобақалари якунига етди.

Кизгин кечган мусобақаларда Тошкент шаҳар телефон тармоғи очик акциядорлик жамияти жамоаси кўчма

кубок соҳиби бўлди. Иккинчи ўрин учун бўлган баҳсларда омад «Ўздунробитанинг» мини футболчиларига қулиб боқди. Тошкент электр алоқа институти жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Марказий кўмита ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги биринчи

ўринни эгаллаган жамоанинг ҳар бир аъзосига гилам, иккинчиликни қўлга киритган жамоа вакилларига магнитфон, учинчи ўрин соҳибларига магнитола каби совринлар тақдим этди.

Шунингдек, энг яхши ўрин кўрсатган жамоа аъзоларининг 6 нафарига махсус совғалар топширилди.

Тадбирда мини фут-

бол бўйича Ўзбекистон кубогининг икки карра совриндори, Ўзбекистон чемпиони, 2001 йилги Осиё чемпионатининг кумуш медал соҳиби, Ўзбекистон терма жамоаси сардори Шавкатжон Абдураимов иштирок этиб, мусобақа қатнашчиларига келгуси фаолиятларида омад тилади.

Муҳаббат ДАВРОН,
«Ишонч» мухбири.



Деновда ҳукуратимизнинг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаблари кўнгилдагидек бажарилмапти.

«Дехқонга шароит йўқ. Хар йили офтоб тилга савдо қиламиз, бундан бизга фойда эмас фақат зарар, раҳбарларнинг дағдағаси ёмон.»

Вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси масъул ходими Элмурод Жўраев билан бозор айланамиз. Савдо ўрни этишмаслиги яққол сезилади.

«Кенгайтирамыз, — шоша-пиша жавоб беради ўзини бозоркомнинг ўринбосари деб таништираган Фахриддин Эргашев. — Ҳукумат қарорини бажармай ўлибимизми, ҳозирча савдо ўрни 800та, кенгайтирсак яна 250 тага ошади.

«Режаларни бажариб келаяпмиз. Масалан

ўтган ой 103 фоизга удалади. Камчилик йўқ.

— Бу «Денов дехқон бозори» акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари Нурмухаммад Юсуповнинг гапи. Таажжубки, бозор ичкарисига қараб беш-ўн кадам юргач, уларнинг дами ичига тушиб кетди. Бозорнинг бешта

қат сифатини сўраб сотувчиларнинг асабига тегмасангиз бўлди. Бир килограммининг нархи беш юз сўмдан минг сўмгача бор.

— Бу амалдаги қонунга зид, -деди Элмурод Жўраев. -Истеъмом учун сотиладиган хар қандай ёғни текширишдан

ўтказиб, тегишли ташкилотнинг хулосасини олган ҳоюда сотиш зарур.

«Бу бизнинг айбимиз, камчиликларни тугатимиз албатта, - дея жавоб берди Денов тумани солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи Тошпўлат Қобилов хижолат чекиб.

Бозор ўртасидаги гўшт расталарни кузатамиз. Бу ердаги тозалик ветеринария ходимлари томонидан етарлича назоратга олинмаган. Гўшт расталари ифлос, айрим гўшт бўлақларининг сифати бузилган.

«Тозалашга улгуришмапти, - деди бозорга хизмат кўрсатувчи ветеринария врачлари Норқобил Расулов, — чунки бугун харидор кўп бўлди. Бозорқўм ўринбосар-

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

рлар гапни кўпайтирмаманг, дегандай унинг олқасига қоқишди. Сездимки, унинг эътирофи раҳбарларга ёқмади. Буни қарангки, камчилик кўп бўлса, яшириб бўлмас экан. Гўшт расталаридан чиқиб тагин ёғфурушларга дуч келдик. Солиқчилар уларни ҳайдашлар бешлади.

Бозордаги аҳволни туман ҳокимлигига ҳам билдирдик. Уларга ёғ бозорини кўрганмиз ёқмади. Силлиқроқ қилиб ёзинг, бу камчиликлар қайси бозорда йўқ, деб маслаҳат ҳам беришди. Афтидан улар мавжуд ҳолни яхши билишади. Лекин, индашмайди. Нега?

А. АЛИКУЛОВ,
«Туркистон-пресс» мухбири.

АМБУЛАНС МАШИНАЛАРИ ВИЛОЯТЛАРГА

Республика аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишда амбуланс русумли транспорт воситаларидан ҳам фойдаланиш бошланди. Бундай янги тез тиббий ёрдам машиналаридан тўрттаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси иштироғида берилди.

Япония ҳукумати саъй-ҳаракати билан республикамизга олиб келинган бу машиналар тиббий хизмат кўрсатиш учун жуда қулай бўлиб, шифокорларга қўл келади.

Бунинг учун Япония томони 85 мингга яқин АҚШ долларига тенг махсус грант ажратди. Ана шу машиналар Андижон, Наманган, Хоразм вилоятларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилди. Шунингдек, замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар ҳам ажратилди.

А.АЛИЕВ.

Футбол

Кайтар дунё деганлари шу бўлса керакда. Кечагина эди ахир, «Пахтакор» ўзини тугтиб олди, яна кимсан «Нефчи» билан тенгма-тенг ўйнаб, хатто яққол устунликка эришиб, Кубок соҳиби бўлди, дея кўқларга кўтаргандик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, акс манзарани кўриб, хулосада бироз шошганлигимизни пайқадик. Аслида гап фақат мағлубиятнинг ўзида ҳам эмас, энг асосийси. Футболни беэзаб турадиган дриблинг ва комбинацияларнинг гўёки бирдан қовушмай қолишдадир.

УМИДНИНГ УЧ ТўЛИ

Беихтиёр «Пахтакор» ярим ҳимоячиси Мухтор Курбоновнинг интервьюси ёдга тушади: «Команда бўлиб шаклланиш учун камида уч-тўрт йил керак бўлади». Дарҳақиқат, таркиб жиҳатидан энг олди жамоада негадир эпақали ўйин чиқмаяпти. Иситмаси гоҳ чиқиб, гоҳ тушиб турган беморга ўхшаб кетмоқда у. Бу аҳволда қачон оёққа туриб олади, айтиш қийин. Хар холда ишқибозларнинг умиди сўнгани йўқ — «Пахтакор» ҳали кўп чиройли ўйинларни тухфа этиб номига муносиб мавқега эришади.

Нима бўлганда ҳам ушбу турда Умид Исоқов ўзини кўрсатди — бир йўла уч гол муаллифига айланган иқтидорли ҳужумчи терма жамоага бежизга жалб этилмаётганини тасдиқлай билди. Дарвоқе, унинг тўпурақлик маҳорати айниқса шу кунларда асқотиши мумкин — олдинда Абу-Дабидда бўладиган муҳим учрашув турибди. Хар қалай Бирлашган Араб Амирликлари билан ўтказилажак иккинчи босқичнинг илк матчи кўп нарсага оидинлик киритиши шубҳасиз.

Қолган учрашулар ҳам анчайин кизгин кечди. Лига дебютанти «Академия» барчани хайратга солиб яна йирик ғалаба қозонди. Бу гал у «Зарафшон» дарвозабонини тўрт марта ноқулай миссияни бажаришга мажбур этди. Худди шундай ҳисоб (4:0) «Кизилқум» ва «Семурғ» ўртасидаги учрашувда ҳам қайд этилди.

Моҳир диспетчер Мухсин Муҳаммадиев командани тарқ этгач, «Самарқанд-Динамо» ўйинида номуносивлик юзага келди. Балки шунинг учунми, олдиндан бир нарсани башорат қилиш қийин бўлиб бормоқда. Хайриятки, кечаги турда жамоа уюшқоқлик кўрсатиб, худди «Нефчи» — «Пахтакор» ўртасидаги учрашувдаги ҳисобни такрорлаб, (4:1), Чирчиқнинг «Кимёгар» командасини устидан ишончли ғалаба қозонди. Қолган учрашулар қуйидагича натижалар билан поёнига етди: «Бухоро» — «Навбахор» — 1:2, «Андижон» — «Металлург» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Дўстлик» — 1:1, «Трактор» — «Турон» — 5:3.

Навбатдаги тур 21 августда бўлиб ўтади.

22 ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефчи»	20	17	2	1	62-16	53
2.«Насаф»	20	15	2	3	47-24	47
3.«Дўстлик»	20	12	4	4	46-25	40
4.«Навбахор»	21	13	0	8	47-31	39
5.«Академия»	20	10	6	4	44-20	36
6.«Пахтакор»	17	11	0	6	34-21	33
7.«Кизилқум»	20	10	3	7	29-22	33
8.«Самарқанд-Д»	21	10	2	9	40-36	32
9.«Андижон»	21	9	2	10	38-37	29
10.«Зарафшон»	20	8	4	8	32-28	28
11.«Бухоро»	20	9	1	10	36-39	28
12.«Трактор»	20	8	3	9	33-35	27
13.«Сўғдиёна»	21	6	4	11	22-36	22
14.«Металлург»	21	4	6	11	19-43	18
15.«Кимёгар»	21	4	4	13	18-39	16
16.«Турон»	20	4	4	12	17-41	16
17.«Сурхон»	20	5	0	15	21-51	15
18.«Семурғ»	21	2	3	16	24-65	9

БИРГАЛИКДА - ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Наманган вилоятида гиёҳвандлик ва кашандалликка қарши кураш олийги ўтказилди. У «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди. Ойлик давомида маҳаллалар, ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида кўплаб учрашулар бўлиб ўтди. Ойлик якунларига қўра «Гиёҳвандликка қарши кураш - давр талаби» мавзусида вилоят илмий-амалий семинари ўтказилди. Жойларда бу долларб мавзудаги учрашулар давом этмоқда.

(ЎЗА).

«Ишонч» таҳририяти жамоаси газета мухбири Ялғош Сариевга акаси

Раҳмон НОРБОВЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.15

Махлимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсатишчи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотулда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.